



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 3 сентябрь, № 184 (8527)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ХОТИРЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 сентябрь куни Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб, Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилди. Қабр пойига гул қўйиб, Биринчи Президентимиз хотирасига хурмат бажо келтирди.

Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, давлат бошқарувини янгидан қурган, тарихимизнинг мураккаб ва оғир даврларида барқарорлигини сақлаб, халқимиз манфаатларини таъминлаган.

Президент Шавкат Мирзиёев унинг бу хизматларини муносиб қадрлади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги қарорига мувофиқ, Биринчи Президентимиз хотирасини абадийлаштириш бўйича кўп ишлар қилинди. Юртимиздаги йирик мажмуалар, шаҳарлардаги марказий кўчаларга Ислом Каримов номи берилди. Тошкентда Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ташкил қилинди, Самарқандда мақбара барпо этилди.

Фидойиларини эъзозлайдиган халқимиз Биринчи Президентимизни хурмат билан ёдга олади. Ушбу хотирлаш маросими ҳам ўтганлар ёдига хурмат, ёш авлодга ибрат мактабидир.

Маросимда парламент ва ҳукумат аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари иштирок этди.

Ў.А.

Акс садо

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРГА ЕЛКАДОШМИЗ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлатимиз мустақиллигининг 32 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқига Хитой эксперт ва ишбилармон доира вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ли ЦЗИГО,
Хитой Халқаро муносабатлар академиясининг
Евроосий тадқиқотлари институти директори:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи менда чуқур таассурот қолдирди.



Элчи Виталий ФЕН: МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Жанубий Кореянинг нуфузли “The Korea Times” газетасида Ўзбекистон элчиси Виталий Фен билан “Мустақиллик биз учун энг олий қадрият” сарлавҳаси остида суҳбат чоп этилди.

Интервьюда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган ижобий ўзгаришлар, айниқса, сўнгги етти йил ичида деярли барча соҳада кўлга киритилган ютуқларимиз, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган.

“Шу кунларда Ўзбекистон халқи Ватанимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берган унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик санасини баъланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан нишонламоқда, — дея таъкидлайди элчи. — Барча ютуқларимиз омили, куч-гайрат, фахр ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётган Ватанимиз мустақиллигининг мазкур шонли санасини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш мақсадида жорий йил 27 июль куни давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси дав-

лат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди”.

Дипломат мазкур ҳужжатда мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессия вакиллари ўртасида аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада кучайтириш, жамиятда тинч-оқойишта ҳаётни таъминлаш борасида бажарилаётган ишларнинг аҳамиятини чуқур таҳлиллар, аниқ ҳаётий мисоллар ёрдамида кенг жамоатчиликка етказиш вазифаси белгиланганини қайд этган. Шунингдек, байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” деган бош ғоя асосида амалга оширилиши алоҳида урғуланган.

“Бундан ўттиз икки йил муқаддам, яъни 1991 йил 1 сентябрда жаҳон харитасида “Ўзбекистон Республикаси” деган янги, мустақил давлат пайдо бўлди.



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ
ОЛИЙЛАРИГА**

Хурматли Президент жаноблари!

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига энг самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ўтган йилларда мамлакатларимиз дўстона муносабатлар ва ҳамкорлиқни йўлга қўйди. Улар янада ривожланишига, халқларимиз ўртасидаги алмашинувлар ва дўстлик мустаҳкамланишига умид қиламан.

Чин юракдан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасига эса узлуксиз риважланиш ва хурмат билан,

Юн Сок Ёль,

Корея Республикаси Президенти



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Президент жанобларига ва дўст Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ўзбекистон ва Италияни мустаҳкам дўстлик ришталари боғлаб туради. Ушбу дўстлик Сизнинг яқиндаги Италияга ташрифингиз давомида стратегик шериклик ўрнатилишида ўзининг амалий ифодасини топди.

Ишончим комил, Тошкент ва Рим сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги, шу жумладан, Европа Иттифоқи билан муносабатлар доирасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш мамлакатларимизга манфаат келтиради.

Тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш воситаси сифатида мамлакатларимиз ўзаро мулоқот ва англашувга қараётган эътибор бугунги шароитларда янада катта аҳамият касб этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Италия Республикаси ва шахсан ўз номидан Сиз ва барча юртдошларингизни дилдан қўтлайман.

Сержо МАТТАРЕЛЛА,

Италия Республикаси Президенти



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва халқингизга Қатар Давлати халқи номидан ҳамда шахсан ўз номидан самимий табрикларимиз ва эзгу истакларимизни йўллашдан маннунман.

Сиз, Жаноби Олийларига, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат ҳамда Ўзбекистон халқига фаровонлик ва доимий тарақиёт, шунингдек, келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланиб боришини тилаб қоламан.

Юксак эҳтиром ила,

Шайх Тамим бин Ҳамад Ол СОНИЙ,
Қатар Давлати Амири



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни йўллашдан мамнунман.

Покистон Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган мамлакат сифатида турли соҳаларда икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга катта аҳамият беради.

Сўнгги йилларда ўзаро саъй-ҳаракатлар натижасида Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги самарали давлатлараро ҳамкорлик барча соҳаларда умумий манфаатлар йўлида изчил ривожланиб бораётгани кувонарилади.

Ишончим комилки, биз қардош халқларимиз фаровонлиги, минтақамизда тинчлик, барқарорлик ва бунёдкорона ҳамкорлиқни таъминлаш йўлида мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни ҳар томонлама мустаҳкамлашда давом этамиз.

Покистон халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик, биродар Ўзбекистон халқига эса абадий тинчлик ва равнақ тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Ориф АЛВИЙ,

Покистон Ислом Республикаси Президенти



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ
ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари!

Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун халқига энг самимий табрикларимни билдиришга ижозат беринг.

Дунёмиз дуч келаётган ҳатарлар камбағаллик ва тенгсизликдан тортиб низолар ва иқлим ўзгаришигача — бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва англашувга асосланган жамоавий саъй-ҳаракатларни тақозо этмоқда.

Фаровон келажаққа эришиш учун ҳар бир мамлакат ўз миллий чегаралари билан чекланиб қолмасдан, тинчлик, инсон ҳуқуқлари, қаерда яшаётганидан қатъи назар, барча одамлар учун равнақ ва барқарор тарақиётни илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши зарур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ушбу муҳим санани нишонлашаётган Ўзбекистон Республикаси халқининг шодлигига шерик бўлар экан, ҳам инсоният, ҳам сайёрамизнинг янада фаровон, янада соғлом ва хавфсиз келажагини таъминлаш бўйича биргаликдаги ишларимиз давом этишига умид қилади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилинг.

Антониу ГУТЕРРИШ,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ
ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,

Сизни Ўзбекистон Республикасининг 32 йиллиги билан дилдан қўтлашга ижозат бергайсиз!

Ўзбекистон суверен тарақиёт йилларида ўзини барпо этиш, ижтимоий-иқтисодий ва давлатчиликнинг ҳаётий муҳим тармоқларини ривожлантириш бўйича катта йўлни босиб ўтди. Сизнинг узокни кўзлаган сиёсатингиз ва тизимли ислохотларингиз туфайли қонун устуворлиги мустаҳкамланмоқда, ҳўли турмуш даражаси юксалмоқда ва халқро ҳамкорлик қўлами кенгаймоқда.

Янги Ўзбекистоннинг замонавий тарақиёт модели давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг фундаментал асосларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, чуқур ўйланган ички сиёсат ва прагматик минтақавий сиёсатни юритишга яққол мисолдир.

Ўзбекистоннинг ШХТ жараёнидаги иштироки ҳамкорлик мазмунини бойитмоқда ва ШХТнинг халқаро нуфузини оширмоқда.

Ўзбекистоннинг ташаббуслари туфайли кейинги йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида кўп қиррали ҳамкорлик барча йўналишларда чуқурлашиб бормоқда.

Шу муносабат билан Сизга Ташкилот ва ШХТ Котибияти фаолиятига эътиборингиз ва кўмагингиз учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Шавкат Миронович, мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва Ўзбекистон Республикаси равнақи йўлидаги фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

Чжан МИН,

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби

Қуйдагилар ҳам ўз табрикларини йўллаган:

Латвия Республикаси Президенти **Эдгарс Ринкевичс,**

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироли **Чарльз III,**

Швеция Қироли **Карл Густаф,**

Молдова Республикаси Президенти **Майя Санду,**

Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти **Ранил Викрамсингхе,**

Мальдив Республикаси Президенти **Иброҳим Муҳаммад Солиҳ,**

Мьянма Иттифоқи Республикаси Давлат бошқаруви кенгаши раиси **Мин Аун Хлайн,**

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти **Цзинь Лицонь,**

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (ISESCO) бош директори **Салим ал-Малик,**

Ипак йўли фонди раиси **Чжу Цзюнь,**

Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгаши ижрочи директори **Фальк Порше.**

Қўтловлар келишда давом этмоқда.

Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

ОЗОД ЮРТ ОБОДЛИКДАН ЯШНАГАЙ

Озод ва хур диёрда яшамоқлик — улуғ саодат. Мана, 32 йилдирки халқимиз ана шу ҳурлик ҳамда озошлик ҳавосидан эркин нафас олмақда. Эртанги кунга ишончи юксалиб, ҳаётидан рози бўлиб яшамоқда, эл фаровонлигига ҳисса қўшиб, юрт истиқболига таянч бўладиган оқил ва доно фарзандлар тарбияламоқда.

Мустақил ва обод юрtdагина инсон ўзини эркин ҳис қилади, ўзлигини англайди, ёруғ истиқболга ишончи устувор бўлади. Бинобарин, озод юрт ободликдан яшнайди, чирой очиб, жамолини кўз-кўз қилади.

Бугун юртимиз кўрқу тароватига боқиб, Истиқлол яратган мўъжизани ҳар қадамда ҳис қилиш қийин эмас. Бу эркинликдан илҳомланиб, юртни обод этишга бел боғлаган бунёдкор халқимизнинг ақл идрокли, фидойилиги намунаси. Халқнинг бахту саодати унинг шу юртни, шу она тупроқни ардоқлаши, унга содиқ хизмат қилиши билан белгиланади.



Элчи Виталий ФЕН:

МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўтган тарихан қисқа вақт давомида элимизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти билан миллий ўзлигимиз, қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз, эзгу қадрият ҳамда анъаналаримиз қайта тикланди, давлат ва жамият ҳаётининг туб асослари ўзгариб, мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди, — дейди Ўзбекистон миссияси раҳбари. — Бугунги кунда халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбида меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олийжаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдирини ва келажигига дахлдорлик туйғуси янада юксалиб бормоқда.

Ўз навбатида, мустақил тарқиёт йўлидаги кенг қўламли ислохотларимизни изчил давом эттириш, барча соҳа ва тармоқлар ривожини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида бугунги кунда юртимизда миллият, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро эркин ва фаровон яшайдиган янги жамият ва давлат барпо қилиш бўйича амалга оширилаётган вазифаларнинг мазмун-моҳияти тақдим этилди.

Мамлакатимиз элчиси, шунингдек, Ўзбекистон сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалар, хусусан, янгиланган Конституциянинг қабул қилиниши эл-юртимиз янги Ўзбекистонни, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қаратилган ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётганини айтиб ўтган.

“Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунёнинг барча ривожланган давлатлари, хусусан, Жанубий Корея билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратди, — дея қайд этади Виталий Фен. — Корея Республикаси 1991 йил 30 декабрда Осиё — Тинч океани минтақаси давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. 1992 йил 29 январда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди”.

Таъкидланганидек, ўшандан буён ўтган давр мобайнида ҳар икки томон давлат раҳбарлари ўртасида олий даражадаги 18 та учрашув ўтказилди. Ушбу учрашувларнинг ҳар бирида томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш юзасидан муҳим аҳамиятга эга бўлган қелишувларга эришди.

Нашрда шу пайтгача мамлакатларимиз ўртасида давлат-

лараро, ҳукуматлараро ва идоралараро икки юздан ортиқ ҳужжатлар қабул қилингани ҳақидаги маълумотлар муштарийлар эътиборига тақдим этилган. “Мазкур салмоқли ҳуқуқий база ўзаро ҳамкорлиқнинг мустақкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Сўнгги йиллардаги алоқалар натижасида Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Корея Республикаси — Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий ҳамкорларидан. Кейинги йилларда товар айирбошлаш ва қўшма корхоналар сони қарийб икки баробар ортди”, дея таъкидлайди дипломат.

Интервьюда, шунингдек, бугунги кунда Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари томонидан юртимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида юзлаб устувор инвестиция лойиҳалари амалга оширилгани ва улар жадал давом этаётгани маълум қилинган.

“Ҳозирги кунда Ўзбекистонда корейлик инвесторлар ишдарида очилган 900 га яқин корхоналар фаолият юритмоқда, — дейди мамлакатимиз дипломатик ваколатхонаси раҳбара. — Умуман олганда, Корея Республикасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 7,3 миллиард доллардан ортган. 2022 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 2,3 миллиард доллардан ошиб кетди”.

Сўхбатда таъкидланганидек, Жанубий Корея Эксимбанки ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик фонди (EDCF) билан кўп йиллик самарали ҳамкорлик алоҳида диққатга сазовор. Ушбу жамғарма доирасидаги молиялаштириш ҳажми 1 миллиард долларга етказилди. Жанубий Кореянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан сермахсул шериклик ҳам кенгаймоқда.

“Мухтасар айтганда, азалдан савдо, илм-фан, маданият маркази бўлган Ўзбекистонда бугунги кунда ҳам бизнес учун кенг имкониятлар очилмоқда. Жанубий Корея компаниялари Ўзбекистондаги инвестициявий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, илгор тажрибалар билан ўртоқлашишга тайёрглигини билдираётгани, бу борада амалий ишларни олиб бораётгани икки мамлакат манфаати учун бирдек хизмат қилади”, дейди элчи Виталий Фен сўхбат сўнгига.

«Дунё» АА.
Сеул



Хосон ПАЙДОЕВ олган суратлар.

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА МОС ТАШАББУСЛАР

Мана, 32 йилдирки мустақиллик — муқаддас туйғу, буюқ неъмат, олий қадриятимизга айланди. Айтиш мумкинки, истиқлолнинг ҳар бир йили воқеаларга бой, тарихий бурилишлар даври бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Фикр

Айниқса, 2022-2023 йиллар давомида улкан тарихий бурилишга мензайдиган ислохотлар амалга оширилдики, бу Ўзбекистон Президенти томонидан янги Ўзбекистон олдига қўйилган мақсаду вазифалар ижроси борасида ўз собитлигимизни яққол намоён қилди. Бир қатор муҳим сиёсий ва иқтисодий омилларга кўра, йил давомида дунё жамоатчилиги эътиборида турганимизни алоҳида айтиб ўтиш адолатдан бўлади, назаримда.

Ўтган йилги амалий ишлар асоси учун, аввало, 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномани эслаб ўтишимиз жоиз, деб ўйлайман. Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси ҳам ички, ҳам ташқи хабарларнинг бош мавзусига айлангани бор гап. Зотан, Мурожаатнома моҳиятан янги Ўзбекистоннинг яқин ва узоқ истиқболда олдига қўяётган мақсад, вазифалари ҳақидаги энг ишончли “қўлланма” бўлган эди.

Президент Мурожаатномасида “Маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал қилиши учун “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилади. Бунинг учун янги йилда, 1 январдан бошлаб мол-мулк ва ер соликларининг бир қисми маҳалланинг ўзига қолади”, деб таъкидлаган эди. Бу борадаги ўзгариш-

лар эса ўз натижасини кўп куттирмади. “Маҳалла бюджети” тизими маҳаллабй ишлашни янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш, республика, вилоят, туман ва шаҳарларда кўрсатиладиган давлат хизматлари ва манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларининг бевосита маҳалла даражасига туширилишини таъминлади.

Пировардида маҳалланинг ўзидаёқ қўллаб муаммоларга ечим топиш, жумладан, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, ободонлаштириш, моддий ёрдам, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кутубхоналар, спорт майдончалари қуриш каби масалаларни ҳал қилишга мустақкам замин яратилди.

Ёки яна бир мисол. Мурожаатномада Тошкент шаҳри учун қўшмица равишда 1 мингта замонавий автобус сотиб олиниши, 7 та ер усти метро бекатининг ишга туширилиши, буларнинг ҳисобидан эса ҳар кун 500 минг-

дан зиёд пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига қўшмица қулайликлар яратилиши қайд этилган эди.

Бугунги кунда шахримизда йўловчи ташишни мавжуд талаблар асосида такомиллаштириш орқали атмосферага заҳарли газлар чиқилиши камайтириш, қатнов пайти интервалларини мақбуллаштириш ҳамда ҳазирама кунлари жамоат транспортларида қулай ҳарорат бўлишини таъминлашга эришилганини ҳаммамиз қўриб турибмиз ва аввалги йиллардагига нисбатан анча такомиллашган хизматлардан фойдалана бошладик.

Кувонарлиси, метронинг янги бекатлари фойдаланишга топширилиб, уларни номлашда кенг жамоатчилик фикри инобатга олинди ва ўзига хос номлар қўйилди. “Тошкент метрополитени” ДУК матбуот хизмати маълумотларига кўра, тизим вақтларда Чилонзор йўналишида 1,5 дақиқалик, Ўзбекистон йўналишида эса 3-3,5 дақиқалик ҳамда Юнусобод йўналишида эса 5 дақиқалик интервалда поездлар ҳаракати йўлга қўйилмоқда.

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан соҳа мутасаддилари зарур чоралар кўраётгани ҳам, аввало, халқ манфаатларига тўла мослиги билан эътиборга молик.

Қисқача айтганда, мустақиллигимизнинг ўттиз иккинчи одими юртимиз учун залварли ва самарали босиб ўтиляётир. Зеро, ислохотлар нафақат сиёсий, маъмурий, балки барча соҳада юқори суръатларда амалга оширилмоқда.

Зулайхо АҚРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



«ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ

табиий ресурсларни тежашнинг
оқилона ечими

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар сарҳисоб қилиниши баробарида келгусидаги устувор йўналишлар белгилаб олиниши билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Муносабат

Давлатимиз раҳбари томонидан устувор йўналишлар сифатида таълим, соғлиқни сақлаш, бизнесни ривожлантириш, суд тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ва ёқилғи-энергетика муаммоларини ҳал этиш юзасидан катта лойиҳалар бошлангани таъкидланди.

Шунингдек, транспорт-логистика тизими билан бирга, бугун замоннинг ўзи талаб қилаётган илм-фан, инновация, IT ва ақлий меҳнатга асосланган бошқа соҳаларни жадал ривожлантиришга аҳамият қаратилиши эътироф этилди. Устувор йўналишлардан бири сифатида экологик муаммоларнинг ҳал қилиш, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида ҳам амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар қайд этиб ўтилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари табиий ресурслар келажак авлодларимизга ҳам тегишли бўлган бойлик эканини, шу боис улардан нафақат бугунги, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланишимиз зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун, албатта, “яшил” иқтисодиётга ўтишни янада жадаллаштириш, сувни, энергия ва бошқа табиий ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Эътироф этиш жоизки, сўнгги йилларда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув ҳўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил

ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакат миқёсида сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонлар 2018 йилгача 28 минг гектарни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб мазкур кўрсаткич 1 миллион гектарга етди.

Жумладан, 2022 йил якуни билан республика бўйича жами 398,4 минг гектарда томчилаб, 31,0 минг гектарда ёмғирлаб, 16,3 минг гектарда дискрет сугориш технологияларига ўтилган ҳамда 451,9 минг гектар майдон лазер ускунаси ёрдамида текисланган. Шу билан бирга, 73,0 минг гектарда агилувчан қувурлар, 36,0 минг гектарда эгатга плёнка тўшаб сугориш ишлари амалга оширилган.

Ушбу технологиялар жорий қилинган майдонларда сувни 40 — 50 фоизга, минерал ўғитларни 25 — 30, ёқилғи-моялаш материалларини 30 — 35 фоизга камайтириш, шунингдек, ҳосилдорлигини, жумладан, пахтачиликда 30 фоизгача ошириш имконини берган.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган тақдирларнинг рўёбга чиқарилиши Ўзбекистоннинг янада тараққий этишига, халқимиз фаровонлигини, мамлакатимиз экологик хавфсизлигини таъминлашга, тинчлик ва барқарорликни янада мустақкамлашга хизмат қилади.

Хайрулло ҒАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРГА ЕЛҚАДОШМИЗ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён мамлакат равнақи, халқ фаровонлиги ҳамда Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ўз мақсадини аниқ шакллантирди.

Президент таъкидланганидек, янги Ўзбекистон энди орзу эмас, балки ҳақиқатдир.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ўзбекистон тараққиёт ва фаровонлик сари тарихан муҳим қадамлар қўйди. Давлатнинг ҳар бир фуқароси эришилган ижобий ютуқларни ўз танасида ҳис этди.

Марказий Осиё минтақаси тараққиётининг янги даври очилди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон раҳбарининг шахсий ҳиссаси туфайли минтақада кўп йиллар давомида тўпланган муаммолар ўз ечимини топди. Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари билан барча соҳадаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди.



Дин СЯОСИН,
Хитой замонавий
халқаро муносабатлар
академиясининг
Евроосий институт
директори:

— Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ислохотлар сиёсати изчиллиги ва очилгидан далолат берувчи миллий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон раҳбарининг нутқи таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатнинг янгилан-

ган Конституциясида мустақилланган халқнинг ҳуқуқ ва манфаатлари унинг давлат фаолиятида устувор аҳамиятга эга.

Бу вазифалар долзарблик касб этгани ҳолда Ўзбекистон янада модернизациялаш ва янги рақобатбардош давлатга айлантиришга хизмат қилади. Булар, биринчи навбатда, иқтисодиётни либераллаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш, бизнесни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, сув ва ёқилғи-энергетика муаммоларини ҳал этишдир.

Президент Шавкат Мирзиёев самарали, ўзини ўзи таъминлайдиган давлатнинг асосий омил сифатида мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустақкамлашнинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Шу нукта на- зардан, бу ерда тадбиркорлик учун янада қулай шарт-

шароитлар ва янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш каби устувор вазифалар ҳақида гап кетмоқда.

Ўзбекистон раҳбари 2030 йилга бориб Ўзбекистон ЯИМ ҳажмини 160 млрд. доллarga етказишни ўз олдига улкан мақсад қилиб қўйган. Ҳозирги ривожланиш суръати, шунингдек, мамлакатнинг иқтисодий, демографик, интеллектуал, технологик ва ресурс салоҳияти ўсиб бораётганини ҳисобга олсак, бу мутлақ амалга ошириладиган вазифа деб айтиш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида қайд этган қатор устувор йўналишларнинг ижроси Ўзбекистон тараққиётига янги суръат бағишлайди. Бунга ёшлар ва аёлларни замонавий касбларга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш билан эришиш мумкин.

Су ЧАН,
Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институтини етакчи илмий ходими:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллигига бағишланган нутқини катта қизиқиш билан ўқидим. Ва айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўз тамаойиллари ва позицияларига содиқ қолган ҳолда тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда.

Ўзбекистон раҳбарининг прагматик ва оқилона сиёсати, халқнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳнатсеварлиги туфайли мамлакат йилдан-йилга юксак марраларни забт этмоқда. Ўзбекистон эришган ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланмоқда.

Кейинги йилларда жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳасини қамраб олган кенг қўламли ислохотларнинг шарофати ўлароқ мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият сезиларли даражада яхшиланди. Сўнгги олти йилда ялпи ички маҳсулоти ҳажми 1,5 баробар, тадбиркорлик субъектлари сони 2 қарра, sanoat ўсиши 40 фоиздан ошгани бунинг аққол тасдиғидир. Ўзбекистон қисқа вақт ичида қашшоқлики 2 баробардан зиёд қисқартиришга эришди.

Янги таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш, шунингдек, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ушбу долзарб вазифаларни ҳал қилмасдан туриб, қўзланган мақсад ва натижаларга эришиш мумкин эмас.

Бу саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон ўз тараққиёти ва равнақи йўлида янги марраларни забт этишига ишончим комил.

Жэк ЛИ,
«ЗТЕ» компаниясининг халқаро департаменти директори:

— Ўзбекистон Президенти нутқида мамлакат олдига Марказий Осиёдаги энг йилрик давлатнинг янада ривожланиши ва равнақи янги туртки беришга қаратилган катта вазифаларни қўйди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон жадал ривожланиш суръатларини намойиш этаётгани, халқаро ҳамжамияти учун жозибадор бозорга айланиб бораётгани

жуда қувонарли. Шу туфайли дунёнинг қўллаб-қувватлари, жумладан, Хитой ишбилармон доираларининг Ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорликка қизиқиши ортиб бормоқда. Сўнгги беш йилда Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 10 млрд. доллардан ошгани бунинг далилидир.

Ўзбекистон бундан буён



ҳам ўз тараққиёти ва миллий тикланиш йўлида изчил давом этишига аминман.

Лиу БЕЙ,
«XI'AN PUS GROUP» компанияси таъсисчиси:

— Мана, бугун Ўзбекистон халқи ўз юрти мустақиллигининг 32 йиллигини кенг нишонламоқда. Ушбу муҳим сана муносабати билан ўзим ва компаниям номидан ўзбек халқига байрам табрикларини изҳор этаман.

Президент Шавкат Мирзиёев Мустақиллик куни муносабати билан сўзлаган табрик нутқида Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги иқтисодий ўсиши ва аҳоли турмуш да-



ражаси яхшиланаётганини таъкидлаб ўтди. Бу сўзларнинг исботини мен мамлакатнинг бу билан боғлиқ фаолиятим давомида кўрмоқдаман.

Жорий йил май ойида Сиан шаҳрида ўтган “Хитой — Марказий Осиё” саммитидан буён Ўзбекистонда уч маротаба бўлдим. Мен Ўзбекистон халқини дониш-

манд Президентнинг оқилона раҳбарлиги остида кун сайин янги ислохотлар асосида ривожланиб бораётганини чуқур ҳис этмоқдаман.

Бизнинг “XI'AN PUS GROUP” компанияси жамоаси, шунингдек, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида Самарқанд вилоятида янги энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, инфратузилма, биотехнология, соғлиқни сақлаш соҳаларига инвестицияларни фаол равишда жалб қилиб, Ўзбекистоннинг Гуанчжоудаги Бош консулхонаси билан бирга ўз фаолиятимиз доираларини кенгайтиришда давом этмоқдамиз.

Умуман, Ўзбекистондек келажаги буюқ давлатнинг иқтисодий тараққиёти ва меҳнатсевар халқининг бахт-саодати йўлидаги саъй-ҳаракатларига елкадош бўлишдан мамнунмиз.

«Дунё» АА.
Пекин

ОЗОД ЮРТ ОБОДЛИКДАН ЯШНАГАЙ



Шу маънода, Мустақиллигимизнинг 32 йиллик байрами “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” бош ғояси асосида нишонланаётганининг ҳам аҳамияти беқиёс. Вилоятларда ўтказилган байрам тадбирлари, халқ сайилларида ҳам бу ғоя халқчил ва ҳаётий экани ўз ифодасини топмоқда.

Куйида мамлакатимиз ҳудудларида уюштирилган байрам шодиёналари тафсилотлари билан танишасиз.

Корақалпоғистон Республикаси. Энг олис ҳудудлардан бири бўлган Тахтақўпир туманидаги Белтов овулида мустақиллигимизнинг 32 йиллигига бағишлаб катта тadbир ҳамда халқ сайли бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар нафаси Оролбўйининг энг чекка овулларида ҳам сезилмоқда. Масалан, илгари эътибордан четда қолган ушбу овул бугунги кунда замонавий инфратузилмага эга обод ҳудудга айланган. Йўллар таъмирланди, ижтимоий соҳа объектлари қайта бунёд этилди, қишлоқ ахли деҳқончилик, чорвачилик билан шуғуллана бошлади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари Оролбўйининг барча туманларида кизгин ўтмоқда. Хусусан, Республика Маънавият ва маърифат маркази, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти томонидан Корақалпоғистон Республикасида ташкил этилган “Маънавият фестивали” энг чекка овулларни ҳам қамраб олмақда. Нукус шаҳридан бошланган фестиваль тадбирлари Мўйноқ туманида “Янги Мўйноқ” китоб-альбоми тақдиротида улашиб кетди. Эллиққалъа туманида эса давлат ва жамоат ташкилотлари, корхона ва идораларда “Инсон кадри” лойиҳаси доирасида дарах сўхбатлари, Тахиятош туманида илмфан намоёндалари, маданият ва санъат арбоблари иштирокчида “Ҳу авлод учрашуви”, Нукус туманида “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” шиори остида миллий маданий марказлар форуми бўлиб ўтди.

Байрам муносабати билан қўллаб ҳудудларда янги объектлар фойдаланишга топширилмоқда. Масалан, Эллиққалъа туманининг энг олис ҳудуди саналган “Шукриқоқ” овул фуқаролар йиғинида ичимлик сув насос ускуналари реконструкция қилиниб, ишга туширилди. Яна шу тумандаги 4 млрд. 12 млн. сўмга барпо этилган 33-мактаб фойдаланишга топширилди.

Байрам шодиёналари Қорақалпоғистоннинг барча шаҳар ва туманларида кўтаркинчи руҳда давом этмоқда.

Андижон. Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллик байрамини андижонликлар ҳам меҳнатда муносиб совғалар билан қарши олди.

Вилоят марказидаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган байрам дастури аввалида таъкидланганидек, сўнгги беш йил мобайнида давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари асосида ҳудудда қатор инвестиция лойиҳалари самарасида тадбиркорлар сони ва аҳолининг бандлик натижадорлиги ортди.

Жумладан, 3522 та лойиҳа ижроси таъминланди, бунинг натижасида 161 минг 473 нафар аҳолининг бандлигига эришилди. Амалга оширилаётган бу каби хайрли ишларда ҳанобозлик кўрсатиб, юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ҳамюртларимизнинг фидокорона меҳнати муносиб баҳоланиб, юксак мукофотлар билан тақдирланиши эса инсон кадр-қимматида бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

— Байрам арафасида давлатимиз раҳбарининг Фармониغا асосан “Дўстлик” ордени билан тақдирланишимиз ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа бўлди, — дейди “Марҳамат қилиш инвест” МЧЖ пардозлаш бригадаси бошлиғи Зулхумор Абдуллаева. — 15 йилдирки қилиш соҳасида меҳнат қиламан. Ўн йилдан буён хотин-қизлардан иборат курувчилар бригадаси бошлиғиман. Хар йили беш-олтита объект қурилишида иштирок этмоқдамиз. Вилотиямизнинг кўркам иншоотларига разм солар эканман, уларнинг барпо қилинишида, озгина бўлса ҳам, ҳиссам борлигидан қувонаман. Улуғ айём арафасида Марҳамат туманидаги Президент мактабини фойдаланишга топширдик.

Байрам тадбирида давлатимизнинг юксак эътирофига сазовор бўлган бир

гуруҳ ҳамюртларимизга давлат мукофотлари топширилди. Истиқлолни куйловчи дилрабо кўшиқ ва рақслар оқшомга ўзгача тароват бахш этди.

Бухоро. Юртимиз гўшаларида бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам мустақиллигининг 32 йиллиги шоду хуррамлик билан қарши олинмоқда. Байрам тадбирлари нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки энг чекка қишлоқ ва овуллари ҳам қамраб олаётир.

Хар қандай айём одатда, ҳар жабҳада эришилган ютуқлар туфайли эл-юртга татийди. Дейлик, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида 17 трлн. 300 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Саккиз ойда ҳудудий корхоналар томонидан 123,8 млн. АҚШ долларини микдориди маҳсулот экспорт қилинди.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш доимий эътиборда. Тегшли дастур доирасида 985 та қишлоқ ҳамда 435 та маҳаллада қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани, шу мақсадлар учун ҳозиргача 4,7 трлн. сўм маблағ сарфлангани ҳам фикримиз тасдиғидир.

— Бугун қай бир гўшага қараманг янгиланишлар, бунёдкорликка кўзингиз тушади, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ устаси, таниқли зардўз Бахшилло Жумаев. — Айнан байрам арафасида 1300 дан зиёд оилаларга мўлжалланган 44 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилибди. Битта янги мактаб қурилиб, 12 та умумтаълим мактаби мукаммал таъмирлангани, 100 дан зиёд мактабгача таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилгани ҳам юртимизда ёш авлод таълим-тарбиясига катта эътибор қаратилаётгани нишонаси, албатта.

Байрам тадбири аввалида истиқлол тараннумига бағишланган бадий-музикаий, театрлаштирилган томоша намойиш этилди. Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга хушайфият бағишлади.

Жиззах. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг тамомили янгича қиёфасини ўзида муҳассам этаётган Жиззах вилоятида ҳам энг улуг, энг азиз айёмимиз кўтаринчи кайфиятда тантана қилинмоқда. Вилотиянинг шаҳар ва қишлоқларида ўтказилаётган халқ сайиллари, байрамона тадбирларда аҳоли фаол иштирок этмоқда.

— Жиззахда қурилаётган тураржой, мазмурий ва хизмат кўрсатиш бинолари кўламига назар ташласангиз, вилотиямиз тарихида ҳали бундай ўзгаришлар бўлмаганлигига ишонч ҳосил қиласиз, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббиси, “Нуроний” жамғармасининг Шароф Рашидов тумани бўлими раиси Парда Шукров. — Уч-тўрт йил Жиззахда бўлмаган одам бугун нафат қилишлари, балки туманларни ҳам таний олмайди. Чунки замонавий бинолар, боғлар, хиббонлар барпо этиш, йўллар қуриш ишлари вилоят бўйлаб жадал амалга оширилмоқда.

Кейинги етти йил мобайнида 6400 хонадонли 213 та кўп қаватли уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Вилотиянинг “Янги Ўзбекистон” масивларида 1480 хонадонли 26 та кўп қаватли уй-жой қурилиши белгиланган. Бугунги кунда мазкур уй-жойларда қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатларда олиб борилаётир. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам ипотека кредити ва ўз маблағлари ҳисобига 1635 хонадонли 58 та кўп қаватли уй-жой қурилиши белгиланиб, бугунги кунда мазкур уй-жойларнинг 14 таси фойдаланишга топширилди.

Вилоятда sanoat корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилда 2,6 трлн. сўмини ташкил қилган бўлса, 2022 йил якуни билан sanoat маҳсулотлари ҳажми 4,5 баробарга ортиб, 11,4 трлн. сўмга етди.

2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида 25 тандан зиёд хорижий давлатлардан инвестиция маблағлари жалб қилинди. Бугунги кунда вилоят Хитой, Германия, Швейцария, Латвия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Россия ва Туркия давлатлари билан иқтисодий aloqalarni йўлга қўйди ва биргина Хитойдан жалб қилинган инвестициялар микдори 62,9 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Байрам тадбирида янграган

куй-қўшиқ, лапар ва айтишувларда Истиқлол, тинчлик, дўстлик ва Ватан мадҳи ўз аксини топди.

Навоий вилоятида йил бошидан буён 277 та инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилиши ҳисобига олис қишлоқ ва овулларда минг-минглаб янги иш ўринлари яратилди. Чунончи, биргина Нурота туманида “Пистали” кони негизда 6-гидрометаллургия заводининг ишга туширилиши 2 мингдан зиёд ёшларнинг иш билан таъминланишига замин ҳозирлади. Айни кунларда Томди туманида қурилиш жадал суръатлар билан олиб борилаётган, қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станцияси ҳам яна юзлаб қишлоқ аҳолининг ижтимоий бандлигини таъминлайди.

Айни байрам шукуҳи кезиб юрган шу кунларда вилоятнинг турли ҳудудларида юзлаб оилалар ўз бошпанасига эга бўлди. Жумладан, Навоий шаҳрида ҳарбийлар учун қурилиб, фойдаланишга топширилган кўп қаватли уй тинчлигимиз посбонлари учун байрам тўҳфаси бўлди.

— Ийгирма икки йилдан буён ҳарбий соҳадаман, — дейди Бурхон Хидиров. — Тўрт нафар фарзандимиз билан шу кунга қадр ижарада яшайди. Мана, бугун ўзимизга эга бўлиб, айёمنى қўшалоқ байрам сифатида нишонламоқдамиз.

Тадбирда таъкидланганидек, вилоятда йил бошидан буён 3459 та хонадонли 48 та кўп қаватли уй-жой барпо этилган бўлиб, йил якунига қадар яна 738 та хонадонли 20 та кўп қаватли уй-жой бунёд қилиниши кўзда тутилган. Бу ўтган йилдагига нисбатан икки ҳисса кўп, демакдир.

Шунингдек, жами 1162,2 км. узунликдаги автомобиль йўллари, жумладан, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари



кўчаларида реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, байрамдан-байрамга қадар салкам 46 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. Натижада вилоят бўйича аҳолининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 68,2 фоиздан йил якунида 81,5 фоизга етказилди.

Вилоят марказида бўлиб ўтган байрам тадбирида куй-қўшиқ ва рақслар ижро этилди, айём шукуҳи барчанинг қалбига кўчди.

Наманган. Вилоят ахли мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллигини катта кўтаринчилик ва муносиб меҳнат муваффақиятлари билан қутиб олмоқда. Давлатобод туманидаги “Афсоналар водийси” тематик паркида “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида байрамнинг бош тадбири ўтказилди.

Дарҳақиқат, воҳа ахли бу байрамни меҳнатда катта муваффақиятларга эришган ҳолда қутиб олмоқда. Жумладан, вилоятда жорий йил бошидан буён дастурлар доирасида 1671 та объектнинг ободонлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларига 3,2 трлн. сўмдан зиёд ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,7 трлн. сўм кўп маблағ йўналтирилди. Шу ҳисобдан аҳоли учун қўллаб тураржой бинолари, ижтимоий иншоотлар барпо этилиб, йўллар равланштирилди, инфратузилманинг бошқа тармоқларида қурилиш ишлари амалга оширилди.

— Ҳаётимиз инсон кадрини қўтариш, унинг розилигига эришиш борасида олиб борилаётган ислохотлар билан мазмунли кечмоқда, — дейди байрам иштирокчиси, Косонсой туманидаги 9-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати директори Маъмуражон Сутонова. — Айниқса, Ватан тараққиёти йўлидаги фидойи меҳнат муносиб баҳосини олаётганлиги эътиборга молик. Чунончи, қутлуг сана арафасида давлатимиз раҳбари Фармони билан менга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони берилганлиги қадрдон жамоам, оила аъзоларим учун ажойиб тўхфа бўлди.

Тантаналар санъат усталарининг катта гала-концерти ва театрлаштирилган томошалар билан иштирокчиларга завқли онларни ҳада этди, байрамга шукуҳ бағишлади.

Самарқанд. “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида ўтаётган асосий байрам тантаналари бу йил шаҳарнинг Қорасув массивидаги “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб ўтди.

31 август кунини эрта тонгдан сана муносабати билан “Янги Ўзбекистон” боғида ёшлар сайли, мактаб, озиқ-овқат, хунармандчилик маҳсулотлари ярмар-

калари ҳамда спорт ўйинлари ва кўргазмалар қишлар ташкил этилди.

Президентимизнинг тегшли фармонларига кўра, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан самарқандлик бир гуруҳ фидойилар ҳам давлат мукофотлари билан тақдирланди.

— Бир неча йилдан буён маҳалла раиси вазифасида ишлаб келяпман, — дейди Ўргут туманидаги Шодлик маҳалласи раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби Рофе Носиров. — Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни юксалиб бораётганини халқимиз ўз ҳаётида ҳис қилимоқда. Бугун бизнинг ҳам ўз айтар сўзимиз бор, кўп масалаларни давлат бошқаруви органлари олдида қўйиб, муаммоларга ечим топаёмиз. Маҳалла бюджети шаклланимоқда ва ўз маблағимизга эга бўляёмиз. Байрам арафасида Президентимиз Фармони билан менга берилган юксак мукофотни барча маҳалладошларга тегшли деб биламан, бунинг учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираёмиз.

Тадбирда қайд этилганидек, бу йил ҳам вилоят ахли байрамни барча соҳада улкан зафарлар билан қарши олмоқда. Шу кунларда вилоят ҳудудларида тўйга тўёна сифатида янги объектлар фойдаланишга топширилди. Замонавий тиббиёт муассасалари, таълим масканлари, талабалар тураржойлари, меҳмонхона ва ишлаб чиқариш объеклари шулар жумласидандир.

“Янги Ўзбекистон” боғида ўрнатилган саҳнада фольклор ансамбллари, эл суйган санъаткорларнинг қишқилари йиғилганларга хушайфият бағишлади.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган байрам тадбирлари дастури ғоят ранг-баранг бўлди. Эътиборлиси, бу йилги тантаналар вилоят



марказида ўтказилган Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон давлатларининг иқтисодий-маданий форумига улашиб кетди.

“Ковун сайли”, “гастрономик кўргазма”, қардош миллатлар вакиллари иштирокида бадий кечалар ташкил этилди. “Лайлақлар ўлкаси” номли тасвирий санъат намуналари намойиши, “Сирдарё: кеча, бугун, эртага” мавзудаги кўргазмалар тадбирлар иштирокчиларида катта таассурот қолдириди.

Тўра Сулаймон номидаги амфитеатрда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 32 йиллиги ва Сирдарё вилояти ташкил этилганининг 60 йиллигига бағишланган театрлаштирилган мусиқали концерт намойиш қилинди.

— Бу йилги энг азиз, энг улуг байрамимизни катта ютуқларга эришган ҳолда, ўзига хос совғалар билан қаршиладим, — дейди фаол ёшлардан бири Ситора Наимжонова. — Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабини битириб, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида давлат гранти асосида ўқийча қабул қилидим. Эндиги мақсадим ўз соҳам бўйича етук мутахассис бўлиб, элу юртимизга сидқидилдан хизмат қилишдан иборат.

Вилоятда байрам шукуҳи чекка маҳаллаларга қириб борди. Стол тенниси, шахмат-шашка мусобақалари, миллий кураш ҳамда дорбозлар ўйини маҳаллалар ахлига ўзгача завқ бағишлади. Фольклор қишқилар, лапарлар, миллий куй-қўшиқлар байрамга шукуҳ бахш этди.

Сурхондарё. Вилотдаги асосий байрам тадбири Термиз шаҳридаги муҳташам санъат саройининг амфитеатр мажмуасида бўлиб ўтди.

Тадбирда ишлаб чиқариш илгорлари, фермер ва тадбиркорлар, нуронийлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Машхур полвон ва бахшилар юрти сифатида ном қозongan Сурхондарё бугун кўркам ва гўзал ҳудудга айланди. Қишлоқлар шаҳарлар билан бўйлашмоқда. Энг муҳими, одамлар тафаккури ўзгарди, юртга садоқат юксалди. Қадимий қадриятлар тикланди. Буларнинг ҳаммаси Истиқлол шарофати, эркин ва озод юртда яшаётган элнинг бахту саодатидир.

Байрам тадбирида Истиқлолнинг ана шу янгиланишлари театрлаштирилган саҳна кўринишлари ва қўшиқлар тим-солида тараннум этилди.

— Улуғвор тоғлар салобати олисдан аяқроққ кўрингани каби Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги даврида эришилган оламшумул натижаларни бугун қалбимиздан ҳис қилаёмиз, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони

Раҳмон Муҳаммадиев. — Барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган ислохотлар том маънода жамиятни тўздан янгилашга, янги Ўзбекистонни барпо этишга замин яратмоқда. Бу ўзгаришларни ҳис қилиш учун бугунги кунимиз билан кечаги кунни қиёслаганимиз ўзи киёф. Буларнинг тағ тақдирда, аввало, Ватан озодлиги, мустақиллик берган имкониятлар мужассам. Истиқлолнинг ўттиз икки йиллик шодиёналари юртдошларимизга байрамона кўтаринчилик ва шоду хуррамлик бахш этаётир.

Байрам саҳнасида болажонлар, ҳарбийлар, спортчиларнинг ранг-баранг қишқилари, миллий-этнографик гуруҳлар, бадий жамоалар ҳамда пойтахтдан келган эстрада хонандаларининг дилтортар куй-қўшиқлари дилларга қувонч ва шодлик улашди.

Тошкент вилояти. Байрам шукуҳи ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус, украин, озарбайжон, татар, уйғур каби турли миллат вакиллари истиқомат қилаётган вилоятнинг шаҳару туманларидан тортиб, Тянь-Шань тоғлари бағрига туташ Уғом ва Чирчиқ дарёсидан Сирдарёгача бўлган кенгликлардаги узок қишлоқларгача етиб борди. “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори билан бошланган катта тўй тадбириги овул ва маҳаллалардаги қарнай-сурнай садоларига улашиб кетди.

“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” тамойиллари туфайли, туманларда маҳалла ва гузарлар, кўчалар, хиббонлар файзу тароватга бурканди. Уларнинг шуқронаси пире бадавлат нуронийлар, меҳнат фахрийлари иззат-қиром қилинаётган байрам дастурхонларида тақдор-тақдор янграмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан эълон қилинган Президентимизнинг фармонлари доирасида Тошкент вилоятида яшаётган фан, таълим, маданият фидойилари, ишлаб чиқариш илгорлари, кекса ёшдаги нуронийлар вакиллари ҳам давлатимизнинг турли даражадаги мукофотлари билан тақдирланди.

— Шу кунларга етказганига шукр, — дейди давлатимиз раҳбарининг Фармонида кўра “Шухрат” медалига сазовор бўлган Пархат туманида истиқомат қилаётган 100 ёшли Анзират ая. — Аввало, нону тузга, берилган умрга, фарзанд неъматига шукр. Тинчлик неъматига шукр. Бизни эслаб, эъзозлаганларни Роббим сийласин.

Байрам тантаналари кун сайин обод бўлиб бораётган Чирчиқ ва Олмаликда, Ангрен ва Нурафшонда ҳам эрта тонгдан кеч оқшомгача давом этди. Ёшлар, ишлаб чиқариш илгорлари, нуронийлар, меҳнат фахрийлари иштирок этган тадбирларда кўп миллатли шаҳар аҳолисининг бир оила фарзандларидек иноқлиги намоён бўлди.

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги тантаналарда таниқли созанда ва хонандалар томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди. Ёшларни ватанпарварлик ва жасоратга ундовчи спорт ва рассомчилик йўналишларидаги мусобақалар бўлиб ўтди.



Фарғона шаҳридаги Ислон Каримов номидаги вилоят театр ва концерт саройи очик майдонида “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида ўтказилган мустақиллигимизнинг 32 йиллигига бағишланган вилоят байрам тадбирида аҳоли фаровонлиги, юрт тараққиёти йўлида эришилаётган ютуқлар алоҳида мамнуният билан эътироф этилди.

Тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, мустақиллик инъом қилган улкан имкониятлар самаралари Фарғона вилояти ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Шаҳар ва қишлоқларнинг кўркамлашиб бораётгани, аҳоли турмуш даражаси муттасил юксалаётгани шундан далолат.

Жорий йилда вилоятда биргина маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш учун дастурлар доирасида 2,9 трлн. сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Бунинг натижасида 1529 км. ичимлик суви, 774 км. электр, қарийб 14 км. табиий газ тармоқлари тортилди, 2352 км. ички йўллар асфальтланиб, аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланди. Вилотиянинг энг чекка қишлоқларига қадар замонавий инфратузилма қириб боришига эришилди.

Тантанали тадбирда Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан эълон қилинган Президентимизнинг фармонлари доирасида давлатимизнинг юксак мукофотлари — орден ва медаллар билан тақдирланган 32 нафар фарғоналик яна бир бор қутланди.

Байрам тантаналари вилоят ва республика санъат усталарининг катта гала-концерти билан давом этди.

Қашқадарё. Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида жойлашган амфитеатрда ўтказилган театрлаштирилган байрам тадбири мустақиллик, ҳурлик ва инсон қадри каби ғоялар билан уйғунлашган тарзда намойиш этилдики, бу иштирокчилар қалбига олам-олам қувонч ҳамда шодлик улашди.

Мустақиллик шарофати билан тобора кўркамлашиб бораётган воҳанинг шаҳар ва қишлоқлари жамолига боқиб кўз тўймайди. Бу янгиланишлар истиқлол шарофати, ўз тақдирини ўзи белгилаб, юрт истиқлиги йўлида эркин меҳнат қилаётган халқимизнинг бахту саодатидир. Жумладан, воҳада 2023-2024 йилларга мўлжалланган, умумий қиймати 1 млрд. АҚШ доллари дорик ортққ бўлган 500 га ақин sanoat ва бошқа йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Худуднинг экспорт саноатияти ўтган беш йил ичида 6 баробар, ҳудудий экспорт кўрсаткичи 10 баробар ошди. Албатта, иқтисодиётда эришилаётган бундай ютуқлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоятда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш дастурига асосан қиймати 530 млрд. сўмлик 687 та объект фойдаланишга топширилди, шунингдек, 2,5 трлн. сўм маблағ эвазига 1700 та объекта қурилиш-таъмирлаш ишлари баҳарилмоқда. Жумладан, ижтимоий соҳа объектиларини қуриш, таъмирлаш бўйича 99 та мактабда 276 млрд. сўмлик, 35 та мактабгача таълим муассасасида 158 млрд. сўмлик, шунингдек, 10 дан ортққ маданият ва спорт объектиларида 14 млрд. сўмлик худди шундай юмушлар удаланди.

Мустақиллик йилларида эришилган натижалар, кейинги йилларда турли соҳаларда юз бераётган ҳаётбахш ўзгаришлар байрам дастурида ҳам ўз ифодасини топди. Эл суйган санъаткорлар ижросидаги дилбар наволар барчага хушайфият улашди.

Хоразм. Урганч шаҳридаги “Авесто” боғ мажмуасида “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида ташкил этилган байрам дастури юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларга ниҳоятда манзур бўлди.

Тантанада сўзга чиққанлар воҳа ахлини қутлуг байрам билан табриклаб, ўтган давр мобайнида вилоятда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, юртимиз равнақи ва халқимиз бахт-саодати йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти хусусида гапирмишди.

Вилоят ахли энг улуг, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллигини кўтаринки кайфият, муносиб ютуқлар, одам бунёдкорлик ишлари, юртимиз равнақи ва халқимиз бахт-саодати йўлида олиб борилаётган ислохот

Сенат кўмитасида

МУРОЖААТЛАРДА
КЎТАРИЛГАН МУАММОЛАР
ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Маълумки, Олий Мажлис Сенати томонидан аҳоли мурожаатларини тинглаш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш мақсадида ҳар кuni фуқаролар қабули йўлга қўйилган. Мухими, бу жараёнда сенаторлар томонидан аҳолини ташвишга солаётган масалаларни ечиш мақсадида тегишли идора ва ташкилотларга қонуний қўриб чиқиш учун кўрсатмалар бериб келинмоқда.

Хусусан, яқинда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси Малика Қодирхонова томонидан навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳри ва вилояти, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Наманган, Фарғона, Андижон, Жиззах вилоятларидан келган 70 нафар фуқаронинг мурожаатлари тингланди.

Мурожаатларнинг 5 таси моддий ёрдам кўрсатиш, 15 га яқини уй-жой билан таъминлаш, 8 таси суд ҳал қилув қарорлари устидан шикоят, 3 таси ишга жойлаштириш, 2 таси низоли ер майдони, 3 тасини эса банклар билан боғлиқ ва бошқа масалалар ташкил этди.

Шунингдек, Сариосиё туманидан келган фуқаро Н. Кенжаева оилавий шароити яхши эмаслиги сабабли даволашни масаласида, Сирдарё туманидан келган Г. Каримова онкологик касаллиги бўлганлиги сабабли нур терапияси олишда ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ушбу мурожаатлар юзасидан сенатор ташаббу-

си билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан уларга даволашни бўйича йўлланмалар берилди.

Бундан ташқари, пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманидан Н. Рамазонава ишга жойлаштириш масаласида мурожаат қилди. Бу мурожаат бўйича сенатор Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги масъул вакилини жалб этган ҳолда фуқаронинг ишга жойлаштиришга амалий ёрдам кўрсатди.

Таъкидлаш жоизки, сенатор томонидан тегишли вазирлик ва идоралар масъул вакилларига мурожаатларни ижобий ҳал қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўрганиш ва қонуний ҳал этиш учун қўшимча мuddат талаб қиладиган мурожаатлар бўйича тегишли идораларнинг мутасаддилари зиммасига аниқ вазифалар юкланди.

Умуман олганда, 15 га яқин фуқароларнинг мурожаатлари ўрганилиши айтилди, 50 га яқинига ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳат берилди, 5 таси эса жойида ҳал қилинди.

«Халқ сўзи».

Биз ва жаҳон

Деҳли шаҳрида буюк мутафаккир
Абу Райҳон Беруний ҳайкали ўрнатилади

Ҳиндистон пойтахтида жойлашган Жамия Миллия Исламия (Jamia Millia Islamia — JMI) университети ҳудудида буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний ҳайкали ўрнатилади.

Ўзбекистон элчиси Дилшод Аҳатов ва университет ректори, профессор Нажма Ахтар учрашуви чоғида бу ҳақда келишувга эришилди.

2020 йил фаолиятининг 100 йиллигини нишонлаган Жамия Миллия Исламия университети мамлакатнинг етакчи олий таълим масканларидан бири ҳисобланади ва унинг фаолияти марказий ҳукумат томонидан молиялаштирилади. Бу ерда ҳуқуқ, гуманитар фанлар ва тиллар, нафис санъат, табиий ҳамда ижтимоий фанлар, инженерия ва технологиялар, таълим, меъморчилик, стоматология, бошқарув тадқиқотлари каби қатор йўналишларда мутахассислар тайёрланади. 20 минг нафар талабага 1000 нафар профессор-ўқитувчи дарс беради.

Ўқув жараёнида Шарқ олимлари, жумладан, буюк ўзбек алломаларининг ноёб асарларини ўрганишга ҳам катта эътибор қаратилади. Таълим масканининг иккита биноси Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино номлари билан аталган.

Учрашув чоғида профессор Нажма Ахтар Абу Райҳон

Берунийнинг бой илмий меросига юқори баҳо бериб, унинг “Китоб ул-ҳинд” асари Ҳиндистон ҳақида ёзилган илк ноёб илмий асарлардан бири эканини таъкидлади. Шу боис қомусий олим ҳайкали унинг жаҳон ҳамжамияти, жумладан, ҳинд халқи олдидagi хизматларининг юксак эътирофи рамзи бўлади.

Абу Райҳон Беруний ҳайкалини олий билим юртининг ҳуқуқшунослик, хорижий тиллар департаменти, дизайн ва инновация департаменти, араб — ҳинд маданият маркази ва бошқа бўлинмалари туташган ғажум майдончада ўрнатиш режалаштирилмоқда. Ҳайкал университетга Ўзбекистон томонидан тақдим этилади.

Мулоқот чоғида мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва Жамия Миллия Исламия ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик университети (ТДШУ) ва JMI ўртасида имзоланган Аҳдлашув меморандуми доирасида Тошкентга ҳинд ва урду тиллари бўйича икки на-

фар мутахассисни жўнатиш, ўз навбатида, ТДШУнинг икки нафар мутахассисини ҳинд университетига юбориш бўйича яқдил фикр билдирилди. Ўзбекистонлик ўқитувчилар Жамия Миллия Исламия ҳузурида 2004 йилда очилган ўзбек тили курсларида ёшларга сабоқ беради.

Шунингдек, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети (ЎзЖОКУ) ва JMI ҳузуридаги Оммавий коммуникациялар тадқиқот маркази ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболларини ўрганиш учун икки олий ўқув юртлари ўртасида ўзаро делегация алмашинадиган бўлди.

Эслатиб ўтамиз, август ойи охирида давлатимиз раҳбарининг “Абу Райҳон Беруний номидаги ЮНЕСКО — Ўзбекистон халқаро муқофотини таъсис этишни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шунингдек, 4 — 8 сентябрь кунлари Париж шаҳрида буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш доирасида халқаро кўргазма ҳамда тadbирлар ўтказилиши режалаштирилган.

«Дунё» АА.

Дехли

Чекка қишлоқда musiқа ва санъат мактаби

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида Пахтани туманининг чекка ҳудудларидан бири бўлган Қарнабот қишлоғида 33-боплар musiқа ва санъат мактаби замонавий қўрилишига эга бўлган кўркем бинода фаолият бошлади.

Тухфа

200 ўринли санъат мактабининг қурилиш ишлари қарийб 1.5 млрд. сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, қўшимча 500 млн. сўм эвазига 150 ўринли концерт зали ҳам барпо этилди.

Муассасада ўқувчиларнинг машгулот ўтказишлари учун барча қулайлик яратилиб, ҳар бир синф хонаси белгиланган musiқий йўналишда таълим

бериш учун тайёрланди. Яъни 11 йўналиш учун зарур бўлган musiқа асбоблари, замонавий ва мумтоз асарлар тўпламлари, ўқув қўлланмалари ҳамда зарур ускуналар тўлиқ шакллантирилди.

— Инсон туғилибди, ҳаёти бевосита санъатга боғланади, — дейди Самарқанд вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Шаҳзод Эшонқулов. — Санъат эса ижодкорнинг қобилияти, меҳнати асосида ривожланади. Шу маънода, бу каби мактаблар чекка ҳудудларда яшаётган ўғил-қизларнинг қобилиятини кашф этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

ХАЛҚИМИЗ ГЕНОФОНДИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА
ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида бош мезон этиб белгиланган “Инсон қадри учун” деган тамойил ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни назарда тутди.

Тиббиёт

Саломатликни асрашга оид
нормалар 4 баробар оширилди

Мавлудахон ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси:

— Айтиш жоизки, янги тахир-даги Конституциямизда аҳоли сihat-саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар оширилди. Бу ҳам мамлакатимизда инсон саломатлигига устувор аҳамият қаратилаётганидан далолатдир.

Хусусан, Бош қомусимизда аҳолининг бепул ва зарур тиббий хизматларнинг қафолатланган ҳажмидан фойдаланиши, яъни давлат аҳолига энг зарур ва муҳим бўлган бир қатор тиббий хизматларни бепул кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олмоқда.

Жорий йилда “Қафолатланган хизматлар пакети” қайта қўриб чиқилиб, 20 турдаги касалликлар бўйича диагностика, даволаш ва профилактика хизматлари ҳажми тўлиқ қамраб олиниши режалаштирилмоқда. Шу жумладан, кўп учрайдиган 20 турдаги касалликлар бўйича биланган бугундаги бепул анализ турлари — 15 тадан 25 тагача, текширувлар — 10 тадан 20 тагача, дорилар — 64 тадан 90 тага оширилди белгиланган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий сектор жадал ривожланишига хориждан инвестициялар ва юқори малакали мутахассислар жалб этиш, бундай муассасаларнинг аҳолига юқори сифатли хизматлар кўрсатиши бўйича амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратсак, ўтган олти йилда хусусий тиббиёт ташкилотлари 2,7 баробар кўпайди ва улар сони 3 200 тадан 8 560 тага етди.

Хусусий тиббиёт ташкилотларига ихтисосликлари бўйича лицензия олишига имконият яратилиб, улар 2017 йилда 50 турдаги, 2022 йилда эса 126 турдаги ихтисослик бўйича тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди. Мамлакатимизда хусусий тиббиёт ташкилотлари 2016 йилда 726 турдаги хизматлар кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда улар қўламин кенгайиб, 2251 тага етди.

Умуман олганда, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва қўламини кенгайтириш орқали халқимиз генофондини мустаҳкамлашга хизмат қиладди.

Шулардан бири — малакали тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли соғлигини муҳофаза қилишга давлат сифатининг энг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратирилмоқда.

Бу йўналишда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар хусусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тез, самарадор ва
сифатли

Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари:

— Кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида соғлиқни сақлаш тизимидаги кўплаб муаммолар барҳам топди. Биргина “Тез ёрдам”да битта чақирққа дори-дармон учун ажратилаётган маблағ 10 баробардан зиёдга ошганининг ўзи фикримиз далилидир.

Илгари юртимизда айнан тиббиётнинг мазкур йўналишини малакали шифокор кадрлар билан таъминлаш масаласи энг оғирлиги муаммолардан бири бўлиб келган. Бугун соҳадаги ижобий ўзгаришлар туфайли тизимда фаолият юритаётган олий маълумотли мутахассислар сони ортиб борапти.

Яна бир таққос: олти-етти йил аввал юртимиз тез тиббий ёрдам тизимида 1868 та автомашина бўлган бўлса, 2023 йилнинг айни даврига келиб “103” хизматида 2904 та автомобиль аҳолига сифатли тез тиббий хизмат кўрсатяпти. Замонавий реанимобиллар сони 578 тага етди. Махсус автомашиналар парки 60 — 70 фоизга янгиланди.

Эътибор беринг, ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар натижасида 2016 йилда мамлакатимизда 1648 тез ёрдам бригадаси фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 2762 тага етди. Тез тиббий ёрдамга чақирув бўлганда етиб бориш вақти ўртача 25 — 30 дақиқадан 8 — 12 дақиқачага қисқарди.

Энг муҳими, илгари дори етишмаслиги сабабли хижолатда қолган шифокорлар бугун барча зарур дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланмоқда. Масалан, авваллари тез тиббий ёрдам учун ажратиладиган дорилар 20 турда бўлиб, улар ҳам кўпинча топилавермас эди. Айни чоғда дорилар рўйхати 45 турга етказилиб, уларнинг узлуксиз таъминоти қафолатланмоқда.

Умуман, тез тиббий ёрдам, шошилинч тиббий хизматнинг фаолияти янги босқичга кўтарилгани аҳолига тез ва самарадор, сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига замин яратмоқда.

Водийларни яёв кезганда...

ЧОДАКНИНГ МАФТУНКОР
ТАБИАТИ

Қурама Чотқол тоғ тизмалари этакларида ястаниб ётган Чодак қишлоғи соф ҳавоси, осмонўпар қоялар томон тобора юқорилаб боровчи хордикбоп гўшалари билан диққатни ўзига тортади. Бу ердаги мўътадил иқлим, хусусан, пасттекисликлардан 12 — 15 даража фарқ қилувчи салқин ҳаво ёзнинг жазирама кунларида дам олувчилар жонига оро қиради. Аҳамиятлиси, бу табиатнинг мўъжизакор маскани хорижлик туристларни ҳам мафтун этмоқда.

Наманган вилоятининг Поп тумани ҳудудида қирувчи ушбу қишлоқдаги 11 маҳалладан бештаси тоғли ҳудудда жойлашган бўлиб, ички сайёҳликни кенг йўлга қўйиш борасидаги амалий ишлар инфратузилмани ривожлантириш, бандликни таъминлаш, пировардда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани билан эътиборга молик. Бу борадаги саяё-ҳаракатлар, айниқса, маҳаллий тadbиркорлар кўнглига чўғ ташлаб, янги ташаббусларга қанот бағишлаётгани оламшумул ўзгаришларда ўз ифодасини топтоқда.

2016 йилда биринчилардан бўлиб ўз лойиҳасини тақдим этган “Lord biznes” масъулия-ти чекланган жамияти 80 ўринга мўлжалланган икки қаватли замонавий меҳмонхонани ишга тушириши билан кўпчилик ишбилармонларнинг ҳаракати жадаллашди. Жумладан, денгиз сатҳидан 2300 метр бандликда амалга оширишга киришилган “Apарт hotel Kosmos” меҳмонхона ва дам олиш мажмуаси лойиҳаси маҳаллий аҳоли ҳамда сайёҳлар учун қутилмаган тухфа бўлди. Мухташам кўриниши билан эътиборни тортувчи бу маскан давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 февраль — 1 март кунлари Наманган вилоятига ташириги чоғидаги топшириғига асосан амалга оширилди.

Тоғ ёнбағирларида жойлашган сўлим гўшада 150 ўринга мўлжалланган меҳмонхона, дам олувчилар учун махсус майдончалар, замонавий ёпиқ тилдаги 33 та сўри, маъмурият биноси, ошхона, ўтов қўринишидаги дам олиш масканлари қуриб битказилганидан сўнг бу ерда 150 та иш ўрни яратилди. “Apарт hotel Kosmos”нинг лойиҳа қиймати 25 млрд. сўмни ташкил этади. У тўла фойдаланишга топширилгач 1,3 минг нафар сайёҳга хизмат кўрсатади. Ихчам туризм шаҳарчасида келгусида тураржой ва ижтимоий объектлар, яна бир қатор туризм ҳамда ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этиш мўлжалланган. Эътиборли жиҳати, ҳудуддаги қурилиш ишларида фақат экологик соф, кимё аралашмаган маҳсулотлар ва воситалар ишлатилмоқда. Меҳмонларга тавсия этиладиган тоамлар ҳам емолено асосида тайёрланади. Бунда маҳаллий аҳолининг асосий юмуши қорвачилик ва боғдорчиликдан иборат эканлиги ҳисобга олинган. Хона-

донларда тайёрланадиган сузма, қурут, қаймоқ, чанқоқбосди мева шарбатларининг ўзига хос таъми ҳар қандай кишини ром қиладди. Хизмат кўрсатишда ҳам экологик талаблар устувор ўрин тутди ва пировардда буларнинг ҳаммаси бирлашиб, экокластерни ташкил этади.

Қишлоқдаги сайёҳлик объектларининг энг кўпи тоғлар орасидаги Гулистон маҳалласида фаолият кўрсатмоқда. Бундан бир неча йил муқаддам Аминжон Юсупов, Равшан Қобилов сингари ишбилармонлар томонидан барпо этилган баҳаво масканлар ҳамиша дам олувчилар билан ғажум. Муталлихон Султонов раҳбарлигидаги “Қўланказор” масъулия-ти чекланган жамиятининг объектлари деярли қуёш тушмайдиган қоялар оралиғида жойлашган. Қандигонсой устидан 60 метр бандликда қурилган 240 метр узунликдаги осмонўпар ва унинг ёнидаги шишасимон кўприкдан киши минг ҳаяжон билан ўтади. Бу ердаги дорйўли, турли аттракционлар хордик чикарувчиларга ўзгача завқ бағишлайди.

— Хитой андозасидаги маскан қурилиши учун 3 млрд. сўм сармоя йўналтирдик, — дейди М. Султонов. — Айни пайтда бу ерда 40 киши меҳнат билан банд. Қунига 300 — 400 кишига хизмат кўрсатаймиз. Ёз мавсумида бошқа вилоятлар, қўшни республикалар, шунингдек, Россия, Ҳиндистон, Нидерландиядан ҳам сайёҳлар таширф буюрди.

Чодакда 96 метр юқориди 400 метр узунликдаги осмонўпар ва 70 метрли шишасимон кўприк, мўъжизавий шарош, Эйфель минораси кўринишидаги иншоот ҳамда кўплаб кўнгилочар ўйинларни ишга туширган яқка тартибдаги тadbиркор Раҳимжўжа Ҳасановнинг дам олиш мажмуасида ҳам қунига мингга яқин меҳмонлар мазмунли хордик чикармоқда.

— Ички туризм 2300 аҳолига эга маҳалламиз тарақиётининг чинакам драйверига айланди, — дейди тadbиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ҳоким ёрдамчиси Аббосбек Полванов. — Беш нафар тadbиркор амалга оширган йирик лойиҳалар асосидаги инфратузилма иншоотлари, 120 та оилавий меҳмон уйи орқали 800 га яқин фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Жорий йилнинг ўзида 4,5 млрд. сўм қийматидаги навбатдаги лойиҳалар ижроси билан яна юздан ортиқ кишилар учун

Ўзбек тиббиётидаги
ноёб лойиҳа

Муқаддас ЎРОЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Болалар миллий тиббиёт маркази Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимидаги энг ноёб лойиҳалардан биридир. Ушбу марказ 130 млн. доллардан зиёд маблағ ҳисобида барпо этилган, тўлиқ замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган. Айни пайтда ушбу тиббий масканда йилига 3 мингдан зиёд ноёб жарроҳлик амалиётлари бажарилимоқда.

Биргина жорий йилнинг ўтган даврида болаларда илк бор умуртқа поғонаси қийшиқлиги (сколиоз) касаллигининг радикал коррекцияси амалиёти йўлга қўйилиб, 30 га яқин беморларда ушбу амалиёт ўтказилиб соғломлаштирилди. Ваҳоланки, бугунги кунга қадар мазкур амалиётлар Болалар жамоат фонди орқали Туркия ва Ҳиндистон давлатларида 20 — 25 минг АҚШ доллари эвазига амалга оширилиб келинган.

Шунингдек, жорий йил давомида марказда биринчи марта болаларда буйрак қўчириб ўтказиш амалиёти маҳаллий мутахассислар иштирокида амалга оширилди. Қолаверса, июль ойида Ўзбекистонда биринчи маротаба қон раки (оққон) касаллигига чалинган болаларда суяк қўмиги аутоотрансплантацияси амалиёти Ҳиндистон ва Беларусь давлатларидан келган мутахассислар билан ҳамкорликда муваффақиятли бажарилди.

Марказда удалланган ушбу амалиётга, бор-йўғи, 10 минг АҚШ доллари сарфланди. Ваҳоланки, мазкур операция ҳозирги кунда чет мамлакатларда, жумладан, Туркия ва Беларусда 120 — 170 минг АҚШ доллари эвазига амалга оширилишини инобатга олсак, юртимиз тиббиёт муассасасида ушбу амалиётнинг йўлга қўйилиши соҳада эришилган катта ютуқлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда суяк қўмиги аутоотрансплантацияси амалиётини йилига 70 тагача етказиш бўйича тегишли чоратadbирлар олиб борилмоқда.

«Халқ сўзи».



меҳнат ўринлари яратилди. Сайёҳлар сони эса муттасил ортмоқда. Масалан, жорий мавсумнинг ўзида ярим миллион кишини кузатдик. Яқин вақт ичиди 9,5 млрд. сўмлик 12 та лойиҳани амалга оширишни кўзлаб турибмиз. Улар орасида “Тоғ шаббодаси” МЧЖнинг 3 млрд. сўм қийматидаги сунъий қўл яратиш борасидаги ноёб лойиҳаси ҳам бор.

Чодакнинг Шайхон, Боён Чодакбоси, Юқори Чодак маҳаллаларида ҳам сўлим иқлим имкониятларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу билан қишлоқ обод тус олмақда, меҳнатта лаббатли аҳолининг бандлиги таъминланяпти, одамлар турмушига фой-барака қиряпти.

Бундай ҳаётбахш ўзгаришлар ҳукумат томонидан ҳудудни комплекс ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган дастур ижроси самаралари, десак, айни ҳақиқат. Буни кейинги пайтларда яратилган иш ўринлари, қуриб битказилган кўп қаватли тураржой бинолари, хизмат кўрсатиш ва тармоқнинг бошқа инфратузилма иншоотлари мисолида ақлоқ кузатиш мумкин. Бинобарин, “Ўзбекистон Швейцарияси” дея ном олган тоғовди қишлоғи — Чодакни биланган, унга ошиқайтганлар сафи йил сайин кенгаётгани мисолида юртимизда туризм соҳаси жадал равнақ топаётганини англаш қийин эмас.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 941. 33 058 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоəsi келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р